



YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1930

Мирзо Улуг'бек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети



Ижтимоий фанлар
факультети
“Фалсафа ва мантиқ”
кафедраси
ташаббуси билан ташкил
этилган

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФА ТАРИХИ МАКТАБИ
ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Тошкент - 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

“ФАЛСАФА ВА МАНТИҚ” КАФЕДРАСИ

**Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси хузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихини мувофиқлаштирувчи
методик марказ**

**Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази
Ал Бухорий университети, Бухоро давлат университети
Навоий давлат педагогика институти билан ҳамкорликда**

**“ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИ МАКТАБИ
ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”**

мавзуидаги

халқаро илмий-амалий конференция материаллари

(2022 йил 17 май)

Тошкент – 2022

ижтимоий ҳаёт тарзи турли-туман эканлиги “тўлқин”нинг ҳам турлича бўлишини кўрсатади. Бунинг ёрқин мисолини биз Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида 2010 йил декабрь ойидан 2011 йил феврал ойигача давом этган “араб баҳори” воқеаларининг ушбу ҳудудларда турлича вазиятда кечганида ҳам гувоҳ бўламиз. Чунончи, баъзи ҳудудларда намойишчилар ислохотларни, бошқалари эса амалдаги тузумни ағдаришни талаб қилишлари “тўлқин”нинг ҳам турли кечганлигидан далолат беради. Баъзи ҳудудларда норозилик намойишлари тинч йўл билан ҳал этилган бўлса, аксинча бошқаларида эса, шиддатли тус олганлиги билан фарқ қилди.

Хулоса қилиб айтганда:

Биринчидан, араб дунёсидаги кўзғолонлар “Араб баҳори” деб номланиши унда янгилашиш, яъни ислохотлар назарда тутилганлигидан далолат беради.

Иккинчидан, Яқин Шарқ мамлакатларидаги бекарорликларнинг кўпчилиги “Араб баҳори” жараёнидан илҳомланган ҳолда давом этиб келмоқда.

Учинчидан, Яқин Шарқ мамлакатларидаги ички муаммолар “Араб баҳори” натижасида намоён бўлган ва сиёсий тус олган.

Тўртинчидан, “Араб баҳори” номи остида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақаси давлатлари ички сиёсатида ижтимоий-иқтисодий, маданий, диний, ҳарбий масалалар синкретлашиб, авторитар режимларга қарши норозилик намойишларини вужудга келтирди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кива А.В. Арабский узел: кто выиграл, кто проиграл от “Арабской весны”. Россия и современный мир. 1 (82). - Москва: 2014.
2. Колобов О.А., Шульц Э.Э. “Арабская весна”: технологии бунта. / ПОЛИТИЯ, №1 (72). 2014. - С. 119-127.
3. The Arab Uprisings : what everyone needs to know / James L. Gelvin — Second edition. Oxford University Press, 2012.
4. Samuel P. Huntington, The Third Wave: Democratization in the Late Twentieth Century. – Norman: University of Oklahoma Press, 1991.
5. Все что нужно знать об арабской весне / <https://postnauka.ru/faq/61168>

ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИДА ИЛК ТАБИАТШУНОСЛИК ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ МАКТАБИНИ ЯРАТГАН УСТОЗ

Саломова Ҳ.Ю
Бухоро давлат университети
“Ислом тарихи ва манбаишунослиги
Фалсафа” кафедраси профессори,
фалсафа фанлари доктори
Аннотация

Аннотация:Мақолада ўзбек фалсафасида алоҳида из қолдирган, табиатшуносликнинг фалсафий муаммолари, фалсафа тарихи, ҳозирги замон фалсафасининг энг долзарб муаммолари, ислом фалсафаси, математика, физика, экологияга оид фалсафий билимлар ривожига ҳисса қўшган олим фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев илмий мероси ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: фалсафа, ўзбек фалсафаси, фан, илм, илмий мерос, етук олим.

Омонулла Файзуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби – қомусий олим, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Улар математика, астрономия, физика, назарий механика, механика тарихи, олий математика курси, фалсафа фанларидан ниҳоятда қизиқарли, чуқур илмий салоҳиётли дарс беришарди. Табиатшуносликнинг фалсафий муаммолари ҳам, фалсафа тарихи, ҳозирги замон фалсафасининг энг долзарб муаммолари ҳам, ислом фалсафаси, математика, физика, экологияга оид фалсафий мулоҳазалар, уларнинг янги қирралари олим тафаккурида бўлиб, ҳаётнинг амалий жабҳаларида улардан қандай фойдаланиш мумкинлигини равшан кўрсатиш қобилиятлари бор эди. Рус, ўзбек, инглиз, форс тилидаги илмий манбаларнинг янги чиққан нусхалари доимо устознинг столлари устида турар, ташриф қилган тадқиқотчига жуда қизиқарли саволлар бериб, уларга илмий манбаларни қандай ўрганиш лозимлигини эринмай ўргатар эдилар. Илм олаётган пайт кайфиятни кўтариб, меҳр ва қизиқиш билан билим олиш лозимлигини қайта-қайта таъкидлардилар.

Ўзбек фалсафасига О.Ф.Файзуллаевнинг қўшган ҳиссалари ниҳоятда салмоқли:

1. “Жаҳон илмий китобларида “Улуғбекнинг ойдаги тоғи”, “Ал-Фарғоний проекция назарияси”, “Ҳ.А.Рахматуллин тўлқини” каби атамалар кўп учраб туради. Бундай қувонамиз. Бизнингча, қуйидагиларни бемалол айтса бўлади: “Т.А.Саримсоқов алгебраси”, Ҳ.А.Абдуллаев магма гипотезаси”, “М.Т.Ўрозбоев гидроэластиклиги”, “О.М.Ақрамхўжаевнинг нефть-газ пайдо бўлиш назарияси”, “С.Ю.Юнусов алкалоидлари”, “С.А.Азимов–Ғ.Ё.Умаров гелиоэнергетик принципи”, “Усто Ширин нақшлари” ва ҳоказолар”¹-деб ёзганида Омонулла Файзуллаевичнинг ўзбек фани учун нақадар жон кўйдираётганларини, энг илмий салоҳиёти кучли олимларни жаҳон фанидаги ҳозирга даврдаги ўрнини кўрсатаётганликларининг гувоҳи бўламиз. Албатта, фанга ўз хизматини қўшган олим ўз обрўига эга бўлади. Дарҳақиқат, бутун дунёга “алгоритм” сўзи “Ал-Хоразмийдан келиб чиққани исботлаб берган олим ким дейишса ҳамма дарҳол Омонулла Файзуллаев, деб жавоб беришади. Улар тарихий, ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, “*ШайхЗайниддин бобо Тошкандий Ибн Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий шажараси*”ни туздилар. Бу йиллаб, меҳнат, уйқусиз тунлар дегани.

¹ Омонулла Файзуллаев. XX аср зиёлилари : устозларим ва сафдошларим. Тошкент.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашиёти. 2008. 283-бет

Ҳақиқатдан ҳам бундан 2700 йил илгари ва IX-XV асрларда яшаган алломалар яратган кашф қилган илмий ғоялар ҳозирги замон цивилизациясига хизмат қилаётганидек, табиатшуносликка оид, химия, биология, математика ҳамда табиатшуносликнинг фалсафий муаммоларига оид яратилаётган янги ғоялар ҳозирги ва келажак авлодга ҳам хизмат қилади.

П.О.Ф.Файзуллаев Ўзбекистонда табиатшунослик фалсафаси илмий мактабини яратган олим, уларнинг раҳбарлигида 12 докторлик ва 13 номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ўз атрофига иқтидорли ёшларни йиғиб, катта бир илмий мактаб яратиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Шуниси қувонарлики, ҳозирги кунда уларнинг ҳар бири Ўзбекистоннинг илмий ривожига ўз ҳиссаларини қўшган. Устозларига ўхшаб тиним билмай илм-фан тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаётган забардаст олимлардир. Тўнғич шогирдларидан М.Н.Абдуллаева фалсафа фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори, ўнлаб шогирдларнинг севимли устози; ўзбек фалсафасига ўз йўналишини яратган кўплаб илмий монографиялар муаллифи Б.Р. Каримов – халқаро ахборотлаштириш академияси академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор. Б.Р.Каримовнинг ҳар бир илмий асарининг ўзи бир дунё, тиниб-тинчимас Бахтиёр Рахмонович устозимизнинг ҳамма сифатларини ўзига сингдирган, камтар, жуда илмий салоҳияти кучли инсон; ўз умрини устозидек фақат фанга бағишлаган Б.О. Тўраев – Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Бош маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор; йигирмага яқин шогирдларнинг раҳбари, юзлаб илмий ишлар муаллифи; Уларнинг “Борлик” категорияга бағишланган барча монографиялари талабаларимизнинг севимли китобига айланиб бўлган, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Устозимиз ҳамма шогирдлари йиғилишиб қолган бир даврада шундай деганлар: “Сизлар бир оиланинг фарзандларисиз, доимо бир-бирларингиз билан аҳл бўлинглар, илмий тафаккурларингизни кенгайтиришда бир-бирингизга ёрдам беринглар!” Бахтиёр Тўраевда устознинг қаттиққўллик остида яширинга меҳрни кўриш мумкин.

Хориж давлатларидаги жаҳон симпозиумига йўл олаётган пайтим, устоз: “Маърузани қайси тилда ўқийсиз, рус тилидами ёки инглиз тилидами, деб сўраб, яхшиси ҳар икки тилда тайёр бўлиб туринг”, дердилар. Кундузги бўлим аспирантура ва докторантурада бўлганим туфайли Омонулла Файзуллаевич билан кўп вақт бирга бўлдим. Айниқса, хориждан Жаҳон конференцияларидан келган таклифлардан мендан кўра улар кўпроқ қувонардилар. Маърузаларимни қайта-қайта текшириб, сира ҳаяжонмаслигим, илмий ғояларни шошилмасдан дона-дона қилиб тушунтириб беришим лозимлигини таъкидлардилар. Болгариянинг Казанлык, София шаҳарларида, Россиянинг Пушино, Москва, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган Жаҳон симпозиумида “экологик инқироздан қутилишнинг ягона йўли табиий-экологик меъёрларга, экокомпонентларнинг экологик қийматига амал қилиш, сайёра миқёсида “яшил

белбоғ”, антропоген омил мезони экотизимдаги лимитирик меъёр ғояларига урғу беринг”, дердилар.

Испания журналларида чоп этилган мақолам Канада олимлари В.Роберт маъқул келиб улар мени 2021 йилнинг 28 сентябрида Канаданинг Алберто университети томонидан ўтказилган Жаҳон симпозиумига таклиф этишди. Ушбу Жаҳон симпозиумида Абу Райҳон Беруний, Ибн Синонинг Ер сайёраси, инсон танасининг табиий-экологик меъёрларни ўрганиш услублари, жаҳон ҳамжамиятини биосферани яхлит асрашга оид фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Инглиз тилида қилинган маърузам уларга ёқди. Шу пайт бу муваффақиятимга етказган Омонулла Файзуллаевнинг катта меҳнатлари... ёнимда туриб, мен билан бирга қувончдан тўлган боқишларини қаттиқ соғинганимни ҳис қилдим. Энг биринчи бўлиб улар қувонардилар, устозимни ётган жойлари жаннат бўлсин!

III. “Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация” П.К.Ҳабибуллаев ва О.Ф.Файзуллаевлар масъуллиги остида 2000 йил “Фан” нашриётидан нашр қилинган монография бугунги III Ренессанс пойдевори учун назарий манба саналади. Мазкур монография Ўзбекистоннинг физика-математика (академиклар Ш.А.Аюпов, В.К. Кабулов; биология ва тиббиёт (академиклар: Ё.Х.Туракулов, Ш.И.Каримов, К.Ю.Юлдошев, Н.М.Мажидов); файласуфлар (профессорлар: А.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Р.М.Имомалиева, Б.О.Тўраев, Х.Ю.Саломова, И.С. Ҳошимова) томонидан тайёрланган бўлиб, монография ўз илмий салоҳияти билан Ўзбекистон фани фалсафасининг янги қирраларини очди.

IV. О.Ф.Файзуллаевнинг ноёб хислатларидан бири табиат ва жамиятнинг диалектик алоқадорлигини тушунган ҳолда, жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар моҳиятини бир неча қирқ-эллик йил олдиндан кўра билиш қобиятидир. Бундай қобилият пойдевори албатта фан-илмга таянади, албатта. Номзодлик илмий ишининг мавзуси бўйича фикр юритаётган бир пайтимизда “Экологияда меъёр муаммоси” номидаги мавзу тўхтамига келдик. Умумий экологияда, ижтимоий ва умумбашарий экологиядаги ҳар бир меъёрни излаб топганимда, устозимга доимо қалбимдан ташаккурлар айтардим. Тўғрида, асалари гулширасида 4,5% глюкозаси бор гулларга кўнаркан, кимёвий, захарли, нотабиий ҳидларни ёмон кўраркан. Демак, асалари оиласини сақлаб қолиш учун, атмосфера ҳавоси доимо тоза бўлиши, унинг табиий сифатига путур етказмаслик лозим бўлади. Яшил ўсимликлар эса доимо атмосфера тозалаб берувчи беминнат табиат неъматидир. Шу сабабли ўша пайтдан бошлаб, бошлабоқ сайёрамиз миқёсида “яшил белбоғ” ғоясини илгари сурдик. Илмий-фалсафий ғоя миллатга, инсониятга хизмат қиларкан, у миллий ҳудудда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ишлаши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам озон қобиғининг табиий-экологик меъёри 300 Д.Б.(добсон бирлиги)дан камайиши бутун жаҳон халқига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, табиат борлиғи барча учун ягона.

V. Республикамиздаги олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини ошириш учун қайғуришлари, бу борадаги кемтикликлар О.Ф.Файзуллаевни ташвишга соларди.

Академик Х.Рахматуллин ўз устози профессор А.Минаковнинг педагогик маҳоратини доимо мактаб келган; Тошкентлик математиклар профессор Н.Назаровнинг математик физика соҳасидан маърузаларини доимо меҳр ила эслашади;

Академик С.Сирождинов ўз устози Т.Қори Ниёзийнинг маърузаларини камолот чўққиси эди, деб улкан эҳтиром ила эслайди.

Мен устозим Омонулла Файзуллаевнинг маърузаларини “илмий қаймоққа” ўхшатаман. О.Файзуллаев бир суҳбатда шундай дарс берингки, талаба “Сизга ўхшасам эди” деб қолсин, шунда Сиз унинг қалбида ўқишга мотивация уйғота оласиз, дердилар.

XXI аср талабаси йигирма йил олдинги талаба эмас, у ўз-ўзимизга нисбатан ниҳоятда талабчан бўлишимизни, чуқур ва кенг билимни, содда ва аниқ қилиб, мантиқий узвийликда тушунарли, замонавий услубларда фойдаланган ҳолда беришимизни талаб этади, бу эса машғулот хоналарига чуқур илм, самимий, меҳрли, тоза қалб билан киришимизни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Омонулла Файзуллаев. XX аср зиёлилари: устозларим ва сафдошларим. Т.:”фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2008.
2. Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация.Т.:Изд.”Фан”. 2000.

УСТОЗЛИК МАҚОМИ – ОЛИЙ САОДАТ

**Рахматова Х.
БухДУ Педагогика институти
Фалсафа фанлари номзоди**

Аннотация Мақолада олима Гулчеҳра Неъматовна Наврўзованинг Ўзбекистон фалсафий тафаккур тараққиётининг умумий ва Бухорода фалсафа тарихи мактабининг алоҳида жиҳатлари кесимида Нақшбандия таълимотини ўрганишдаги хизматлари ёритилган.

Калит сўзлар: Нақшбандия таълимоти, инсон, тасаввуф, олий мақом, инсон камолоти.

Устоз ҳақида ҳар бир инсоннинг алоҳида қалб сўзлари бор. Инсон камолотида фидойи ва меҳнатсевар бу зотларнинг хизматлари беқиёс. Менинг устозим файласуф олима, фалсафа фанлари доктори, профессор, Бухорода фалсафа тарихи илмий мактабининг жонкуяр устози Гулчеҳра Неъматовна Наврўзовани талабалар, шогирдлар, олимлар, ҳамкасблар чин қалбдан ҳурмат қиладилар. Бизлар Г.Н.Наврўзованинг шогирдлари бўлиб таълим олганлигимиз, у кишининг раҳбарликлари ва йўл-йўриқлари билан илмий ишларимизни ҳимоя қилганлигимиз, у кишининг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлигимиз билан ўзимизни бахтли ҳисоблаймиз.